

ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА НОК ШИРАСИНИНГ ЗАРАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7876789>

Шокирова Х.Ш

ассистент

Комилжонова З.З

Махамаджонова Ш.А

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти талаба

**Боғдорчилик** - Республикамиз қишлоқ хўжалигидаги энг кўп меҳнат талаб этиладиган тармоқ ҳисобланади. Мустаққилигимизни дастлабки йилларидан бошлаб, боғдорчилик тармоғини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, ҳозирги кунда Республикамизнинг кўп ҳудудларида узум, мева ва сабзавотлар етиштириш бўйича салмоқли ютуқларга эришиб келинмоқда.

Мухтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан Республикамиз ҳудудларида интенсив боғларни ташкил этиш, майдонларни кенгайтириш ва уларни ривожлантириш бўйича бераётган таклифлари асосида, ҳозирги кунда кенг қўламда ишлар олиб борилмоқда.

Ширалар тенг қанотлилар – *Homoptera* туркумининг ширалар – *Aphidinea* кенжа туркумига мансуб. Одатда ўсимликларнинг ўсиш нуқталарида ва баргларида яшовчи майда (0,5-8 мм) ҳашоратлар. Танаси тухум шаклида, овал ёки чўзиқроқ, елка томонидан бўртган. Танаси юмшоқ ва нозик, айримлари майин кукун ёки оқ момиқ билан қопланган. Танасининг туси кўкишдан қўнғир, ҳатто қорагача ўзгаради, айримлари қизғиш ёки оч сийёҳрангда, одатда озиқланаётган муҳитга ўхшайди. Тухумлари ялтироқ қора, чўзиқ овал шаклда. Ширалар тўлиқ ҳамда (бир уйли ёки икки уйли) тўлиқсиз ривожланиши мумкин [1].

Нок шираси - (*Dysaphis pyri*. Bet F.) нинг вояга етган ширанинг катталиги 3 мм гача бўлади. Ранги сарғиш оч яшил қўнғир тусда, қорнида кўндаланг йўллари бор. Нок ширасининг қанотлари тиниқ бўлиб, орқадаги чеккасида қорамтир доғи бор, орқа қанотлари олдингисидан калтароқ.

Нок шираси вояга етган босқичида нок пўстлоқлари остида, шохларида қишлайди. Дарахт куртак ёзишидан олдинроқ қишловдан чиқиб жуфтлашади ва тухумини куртаклар яқинига қўяди.

Личинка ва вояга етган нокнинг куртаклари, барглари, гуллари ва нозик новдаларини сўриб озиқланади. Ўзбекистонда 4-5 марта авлод беради.

Нок шираси (*Dysaphis puri*. Bet F.) нокка кучли зарар етказади. Кучли зарарланган барглари найсимон буралиб тўкилиб кетади. вояга етгани ва личинкалари нок куртаклари, барглари, гуллари ва ингичка новдаларининг ширасини сўриб, дарахтларни жуда ҳам нимжон қилиб қўяди.



1

2

**1-расм. Нок шираси (*Dysaphis pyri* Bet F.) нинг колонияси зарари:**

1-шира имагоси, 2- шира колонияси

Қаттиқ зарарланган барглар қорайиб тўкилиб кетади. Нок ширасига қарши кураш олиб борилмаса, июль бошларидаёқ дарахтлар батамом баргини тўкиб юборади. Зарарланган дарахт новдалари қинғир-қийшиқ, меваси қаттиқ, бемаза бўлиб, кўпинча ширанинг ёпишқоқ экскременти билан қопланади. Ширалар вояга етганда нок дарахтларининг шохларида ва қисман танасидаги пўстлоқ остида қишлайди. Дарахт куртак ёзишдан сал олдин шира битлари жуфтлашади ва тухум қўя бошлайди. Тухумини шохларнинг учига ва куртаклар яқинига қўяди [2]. Зараркунанданинг ривожланиши, зарари ва қарши кураш чораларини биологик самарадорлигини ўрганиш мақсадида Андижон вилояти Пахтаобод туманининг боғдорчиликка ихтисослашган хўжаликларида илмий-тадқиқотлар олиб борилди.

Олиб борилган илмий изланишларимизда назорат вариантыда зарарланган дарахтларнинг барглари сарғайиб тўкилиб, мевалари майда ва сифатсиз бўлиб, микроорганизмлар фаолияти оқибатида чириб, тўкилиб ва яроқсиз бўлиб қолиши кузатилди. Натижада меванинг сифати пасайиб, ҳосилдорлик 45 % гача камайди.

Тадқиқотларимизда зараркунандадан ҳосилни ҳимоялаш мақсадида қўлланилган препаратлар нок ширасига қарши назорат қилинган кунлар ичида юқори самара кўрсатди: андозада Конфидор, 20% эм.к. 0,25 л/га қўлланилганда назоратга нисбатан 67,1%, тажрибада Данитол 10 % к.э. 1,5 л/га қўлланилганда назоратга нисбатан биологик самарадорлик 72,8 % ни ташкил

НОК ШИРАСИГА ҚАРШИ ҚўЛЛанилган КИМёВий КУРАШНИНГ  
БИОЛОГИК САМАРАДОРЛИГИ 1-жадвал

Вариантлар	Текширув кунлари	Воситалар кўзлинганда калли бўлган зараркунандилар сон (1баргл/дона)	Воситалар кўзлингандан кейин калли зараркунандилар сон (1баргл/дона)	Биологик самарадорлик (% ҳисобидан)
Нозорат	3. VI	38,6	-	-
	10. VI	-	36,0	
Андоза- Конфидор, 20% эм.к. 0.25 л/га	3. VI	42,5	-	67,1
	10. VI	-	14,0	
Тажриба- Данитол, 10% к.э. 1.5 л/га	3. VI	44,8	-	72,8
	10. VI	-	12,2	

қилди.



**АДАБИЁТЛАР:**

1. Хўжаев Ш.Т.– Умумий ва қишлоқ хўжалик энтомологияси ҳамда уйғунлашган ҳимоя қилиш тизимининг асослари. Тошкент- 2019.
2. Кимсанбоев Х.Х ва бошқ. -Умумий ва қишлоқ хўжалик энтомологияси. Тошкент – 2002.
3. Мирзаева, С. А. (2020). Биология и вред основного сосущего вредителя гранаты. In *EUROPEAN RESEARCH* (pp. 58-61).
4. Мирзаева, С. А. (2020). Помидор занг канасига қарши самарали кураш усулини қўллаш. *Life Sciences and Agriculture*, (2-2).